



ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА ЭҲТИРОМ КЎРСАТИЛДИ



14 январ “Ватан ҳимоячилари куни” ҳамда Республикамиз Қуролли кучлари ташкил этилганлигининг 30 йиллиги муносабати билан Қумқўрғон туманида бир гуруҳ Ватан посбонларига эҳтиром кўрсатилди.



Туман ҳокимлиги мажлислар залида бўлиб ўтган тадбирда туман ҳокимининг о'ринбосарлари Н.Алланазаров, Б.Жумаевлар иштирок этиб, юртимиз тинчлиги, ва фаровонлиги йўлида хизмат қилиб, ўз бурчини адо этаётган барчани байрам билан қутлади.



Тадбир давомида тума Мудофаа бўлими, туман ФВБ ва туман Миллий Гвардия қўриқлаш хизмати бўлим ходимларига туман ҳокимининг ташаккурномаси ва қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.